Бошқа қарзлар (06)	090		
Бошқа активлар	100		

1-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ 012+022+030+040+050+060+070+080+090+100	110	30998	37202
Оборот активлари			
Ишлаб чиқариш захиралари (10,11,12-13,15,16)	120	22271	47769
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20,21,23,29)	130	198	2084
Тайёр маҳсулот (40)	140	34381	19472
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150	564	993
Келгуси давр сарфлари (31)	160	3192	25
Пул маблағлари (51,55,56,57)	170	900	2388
Валюта маблағлари 950,52,55,56,57)	180		
/азнадаги пул маблағлари (50)	190		
қисқа муддатли қўйилмалар (58)	200		
Сотиб олинган хусусий акциялар (56)	210		
Дебиторлар: Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09,45,62-82)	220	9091	26291
бўнак (аванс) тўловлари (61)	230	16521	4646
бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)	240	4900	13946
ходимлар билан ҳисоблашишлар (73)	250	33	60
шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар (78)	260		2410
уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар (79)	270		2854
таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)	280		
бошқа дебиторлар (63,71,76)	290	1526	2214
II-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ 120+130+140+150+160+170+180+190+200+210+ 220+230+240+250+260+270+280+290	300	93577	125152
Балансинг активи бўйича ЖАМИ 110+300	310	124575	162354

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
ПАССИВ Ўзлик маблағларнинг манбалари			
Устав капитали (85/1)	320	35243	35243
қўшилган капитал (85/2)	330	3866	2967
Резерв капитали (85/3)	340		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350	22629	69026
Мақсадли тушум ва фондлар (96,88)	360	27247	14232
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (89)	370		5102
Келгуси дарв даромадлари (83)	380	50	12
1-Бўлим бўйича ЖАМИ 320+330+340+350+360+370+380	390	89035	126582

Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли қарзлар (95,97)	400		
Узоқ муддатли кредитлар (92)	410		
қисқа муддатли қарзлар (93,94,97)	420		
қисқа муддатли кредитлар (90)	430		
Ҳаридор ва буюртмачилардан олинган (счётларга келиб тушган) бўнақлар (64)	440	4335	6460
Кредиторлар:			
- мол етказиб берувчилар (60)	450	23085	22777
- бюджет бўйича қарзлар (68)	460	3368	-
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70/1, 70/2)	470	1499	3820
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар (69)	480		172
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500		1887
- шўъба корхоналарига қарзлар (78)	510		111
- уюшма корхоналарига қарзлар (78)	520	395	
- бошқа кредиторлар (75/1,71/2,73,76/1,79)	530	2858	545
2- ЖАМИ Бўлим бўйича 400+410+420+430+440+450+460+470+480+490+500+510+ 520+530	540	35540	35772
Балансинг пассиви бўйича ЖАМИ 390+540	550	124575	162354

Маълумотларда ишлаб чиқаришни узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган ва ҳисобот тузиш даврига қиймат шаклидаги мол-мулки ҳамда уни қоплашга жалб қилинган манбалари ўз аксини топади. Бу кеурсаткичлар мол–мулк ҳажми, таркиби ва қийматини қай даражадалигини ифодалайди. Шунингдек мол-мулкнинг молиялаштириш манбалари, яъни ўзига тегишли манбалар ва четдан қарзга жалб қилинган манбалар ҳолати ҳам пассивда келтирилган. Балансдаги ҳар бир банд ва бўлим корхоналарнинг молиявий ҳолатига боғлиқ, шунинг учун ҳам уни чуқур ўрганиш лозим.

Актив қисм-асосий ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хўжалик жараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк тўпланган молиявий ҳамда давлат ташкилотлари маблағи, хусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳақозо маблағлар эвазига сотиб олинади. Айрим ҳолларда таъсисчилар асосий восита ва моддий бойликларнинг ўзини бериши ҳам мумкин. Асосий ва айланма маблағлар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз юритишга ҳизмат қилади. Ўз-ўзидан бу фаолият давомида ўзгаради, ҳаракатда бўлади ва таркиби янада янгиланади.

Балансинг биринчи бўлими узоқ муддатли активлар деб номланиб, номоддий актив ва асосий воситалар бошланғич, эскириш ва қолдиқ

қийматда, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, тугалланмаган капитал ва узоқ муддатли қўйилма таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ва бошқа оборотдан ташқари бўлган активлардан иборатдир. Номоддий активлар корхонага даромад келтириш ёки унинг ишлаб чиқаришини юритишга шарт- шароит яратувчи, натурал буюм шаклига эга бўлган мулкӣ ҳуқуқӣ қийматлар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркалари, «Ноу-хау», ердан, сувдан ва бошқа табиӣ бойликлардан, бино, иншоот ва қурилмалардан фойдаланиш ҳуқуқларидан иборат бўлади. Шунингдек бу бандда ҳиссадорлик жамияти бошқаруви келишувига мувофиқ низом жамғармасини ташкил қилиши учун ажратган номоддий активлари ҳам акс этади. Номоддий активлар таркибида корхона манфаати учун келгусида ишлатилиши мўлжалланган илғор технологиядан фойдаланиш ҳуқуқи, уларни олиб келиш ва ишлатишга Тайёрлаш харажатлари қўшилган ҳолда акс этади. Бу ҳолат қўшма корхоналардаги Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган юридик шахс билан хорижий сармоядорлар ҳамкорлиги туфайли кўпроқ вужудга келади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат бинолари, иншоотлар ва ускуналардан фойдаланиш харажатлари ижара ҳақи суммасига тенг бўлади. Умуман номоддий активлар бошланғич баҳода кўрсатилади, хизмат муддатига қараб унинг эскириши ҳисобланади ва баланс жамланганда қолдиқ баҳодаги сумма қўшилади. «Асосий воситалар» бандида баланс тузилган вақтгача бўлган 01 синтетик сёт қолдиғи кўрсатилади. Бу ҳисобнинг бетида йил давомида қирим қилинган. Кредитига эса йил давомида чиқиб кетганлари акс эттирилади. Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланади, буни аниқлаш мураккаб. Шунинг учун тўлиқ тиклаш учун ҳисобланган амортизация суммасига эскириш тенг деб шартли қабул қилинади. Амортизацияни ҳисоблаш махсус меъёрлар асосида (бошланғич ёки тиклаш баҳосига нисбатан фоиз ҳисобида) аниқланади. Меъёрлар ҳар бир асосий восита турлари бўйича дифференциялашган, лекин амортизацияни ҳисоблашда асосий воситаларнинг хизмат муддати тугагунча, бошланғич ёки қолдиқ қийматини эскириш сифатида янги яратилаётган қийматга ўтказиши лозим. Ҳисоблашнинг тезлашган меъёрини қўллаш мумкин, фақат бу тартиб фаол қатнашувчи (машина, ускуна ва транспорт) воситаларга тааллуқлидир.

Асосий воситаларнинг эскириши 02 сётда ҳисоблангач, шунга қараб амортизациялашган ёки қолдиқ баҳодаги асосий воситалар ҳажми аниқланади, яъни бошланғич баҳодан (01 сёт) эскириш сумма (02 сёт) айириб топилади. Шу бандда узоқ муддатга ижара олинган, ишлатилиши ёки консервацияда турганлигидан қатъий назар балансидаги асосий воситалар қиймати акс этади. Балансининг қолган қисмида капитал қўйилмалар, шуъба корхоналардаги акциялар, шуъба корхоналарга берилган қарзлар, уюшма корхоналардаги акциялар, уюшма корхоналарига берилган қарзлар, узоқ муддатли инвестициялар ва бошқа активлар кўрсатилади. Бу хўжалик ёки пудрат усулида бажарилаётган тугалланмаган капитал қурилиш асосий пода тузиш харажатлар, моддий бойликлар қидириш ишлари учун сарфлар ва шу

мақсадларга ажратиладиган маблағларни кўрсатади. Капитал харажатларни корхона ўз маблағи ёки узоқ муддатли кредит эвазига бажариши мумкин.

«Узоқ муддатли инвестициялар» бандида ҳамкорликда ишлашга келишганларнинг корхона устав фондига қўшган ҳиссаси ёки берган қарзи, бир йилдан ортиқ муддатга қийматли қоғоз учун қўйган маблағи кўрсатилади. қийматли қоғозлар мулк эгасининг ҳуқуқини акс эттириб, маълум даражадаги қўшимча фойданинг фоизи даромад келтиради. Бундай қоғозлар бошқа корхоналарнинг акция ва облигациялари, давлат томонидан чиқарилган ички займдир, банкдан сотиб олинган узоқ муддатли жамғармали сертификатлардир. Бу банд учун суммани 06 «Узоқ муддатли инвестициялар» счёти қолдиғидан олинади.

Активнинг II бўлими оборот активлари деб номланиб, асосий ўринни «Ишлаб чиқариш захиралари» банди эгаллайди. Чунки бу бандда корхона ишлаб чиқаришни юритишга зарур бўлган буюмлар жамланади. Унда ҳам ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим Тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва деталлар, уруғ, ем-хашак, ёкилғи, идишлар ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, қайта ишлаш учун четга берилган материалларнинг ҳақиқий таннархи (сотиб олиш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар) кўрсатилади. Ушбу бўлимнинг янги хусусияти шундаки, арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар бошланғич, эскириш ва қолдиқ баҳоларда келтирилади ҳамда баланс жамланганда фақат қолдиқ баҳодаги, яъни яроқли қиймати қўшилади.

II бўлимнинг актив қисмини тўлдиришда асосий маълумотлар «Материаллар», «Ўстиришдаги ва боқувдаги чорва моллари», «Арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмлар», «Арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши», «Асосий ишлаб чиқариш», «Ўз ишлаб чиқаришнинг ярим Тайёр маҳсулотлари», «©рдамчи ишлаб чиқариш», «Нокапитал ишлар», Келгуси давр харажатлари», «Тайер маҳсулот», «Товарлар», «Савдо устамаси». «Муомала харажатлари», счёти қолдиғидан олинади.

Пул маблағлари, валюта маблағлар, ғазнадаги пуллар, қисқа муддатли қўйилмалар бандларида материал шаклида бўлмаган бойликлар акс эттирилади. Бу маблағларнинг ҳажми корхонанинг ихтисослашганлиги, бозор муносабатларида таъминотнинг ташкиллаштирилиши ва бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ. Масалан, саноатда пул салмоғи юқори бўлса, савдо ташкилотларида эса дебиторлар билан ҳисоб-китоблар кўп бўлиши мумкин, чунки бу товарларни сотишга бориб қадалади. Энг аввало дебиторлар билан ҳисоб-китоблар кўрсатилади, чунки ҳозирги шароитда бу масалани таҳлил қилиб туриш зарурдир. Дебиторлар бошқа юридик (корхона, ташкилот ва муассаса) ва жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган қарздорларидир. қарздорларни шартли икки гуруҳга ажратиш мумкин: одатдаги ва асосланмаган. Одатдаги қарзларга ишлаб чиқариш, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишга аввалдан қарз бериш, даъво қилиш ва шу каби муносабатлар туфайли юзага келган, аммо тўлаш муддати ҳали етмаганлари киради. Асосланмаган қарзлар фаолият давомидаги камчиликлар, товар ва моддий бойликларнинг камомади, ўғрилиқ ва ҳар хил

йўқолишлар ҳисобига пайдо бўлади. Бу ҳолат доимо назоратда бўлиб, мунтазам таҳлил этиб боришни талаб қилади. Умуман, дебитор қарзларнинг мавжудлиги молиявий аҳволга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун олинган векселлар бўйича, шўъба корхоналари, бюджет, ходимлар ва бошқа дебиторлар билан бўлган муносабатлар ҳусусида баланс тузилган даврдаги ҳолат кўрсатилади. II бўлим активида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳам келтирилади.

Маблағларни ўрганишда пул маблағларини таҳлили алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай маблағлар ҳисоб–китоб, валюта счёти ва ғазнадаги пуллар тушунилади. Мазкур маблағлар тўлов мажбуриятларини бажарилишида бирламчи восита бўлиб хизмат қилади. Айниқса ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги маблағлар маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, ишчи–хизматчилар, бюджет, банк, суғурта ва бошқалар билан бўладиган алоқа манбаидир. Шу туфайли бу масала алоҳида ўрганилиши лозим. Шу ерда ўтган ва жорий йилдаги кўрилган зарарлар ҳам акс эттирилиши керак.

Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиш манбалари баланснинг пассивида кўрсатилади. Булар ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари киради.

Пассив ҳам ҳудди актив қисм каби иккита бўлимдан иборат. I бўлимда ўзлик маблағларнинг манбалари кўрсатилиб, бунда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар, мақсадли тушум ва фондлар келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари киради. Пассивнинг «Устав капитали» бандида хўжалик фаолиятини юритиш учун ажратилган маблағлари кўрсатилади. Ҳиссадорлик жамиятларида эса ҳар бир қатнашчининг қўшган ҳиссаси устав фондида кўрсатилади. Дивидент сифатида тақсимланадиган соф фойда ҳажми ҳам қўшилган ҳиссага қараб аниқланади. Демак, устав фонди бозор иқтисоди шароитида юридик шахс сифатида корхонанинг ўзига тегишли маблағи ва акционерларнинг қўшган ҳиссасидан иборат бўлади. Ҳар бир қатнашчи шахсий ҳиссасига қараб корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятига аралашади. Ҳамкорликдаги, ҳиссадорлик, қўшма ва кичик корхоналарнинг низом жамғармаси ҳажми қатнашчилар қўшган бадаллар миқдорида боғлиқ бўлади.

қўшилган капитал, резерв капитал бандларида корхонанинг бойликларини қайта баҳоланишидан, олган фойдасидан ташкил этилган резервлардан, қўшимча акциялар чиқариш натижаларидан кўпайган ҳусусий манбалар кўрсатилади.

I бўлим пассивига тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳам киритилади. Бу банднинг суммаси корхона олган фойдаси миқдорида ва унинг тақсимланишига боғлиқдир. Корхона ўз олдидаги фойдадан тўлаши лозим бўлган мажбуриятларини бажариб бўлгандан сўнг, қолган қолдиқ келгусида резерв сифатида фойдаланилишини кўзланиб қолдирилади. Тақсимланмаган фойда банди ўтган йиллардаги фойдадан қолган

суммаларни ҳам ифодалайди. Балансда корхонанинг ўз маблағлари манбаи қанча кўп улушни эгалласа, шунчалик молиявий аҳвол ишончли бўлади.

«Мажбуриятлар» бўлимида корхонанинг бир йилдан ортиқ муддатга олинган кредит ва қарзлари ифодаланади. Бу узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарзлардан иборат. Банк кредитлари ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш, асосий воситалар сотиб олиш ва кўриш, асосий пода ташкил қилиш ва бошқа купгина истикболли лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида олиниши мумкин. қарзлар бандида эса бошқа корхоналардан (банкдан ташқари) олинган қарз суммалари кўрсатилади. Бу бандларни тўлдириш учун зарур маълумотлар «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» ва «Узоқ муддатли қарзлар» счётлар қолдиғидан олинади.

II бўлим пассивини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу бўлимда қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзларни, корхона ишчи-хизматчилари учун банк кредитлари, товарлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун, берилган векселлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ижтимоий ҳимоялаш, суғурта, таъминот, мулкӣ ва шахсий суғурта, бюджет билан, ундан ташқари тўловлар, шуъба корхоналари ва бошқалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар кўрсатилади. Булардан ташқари ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар, кўзда тутилган даромадлар, харажатлар ва тўловлар захираси, даргумон қарзлар бўйича захиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар ҳам ушбу бўлимда акс эттирилади. Шу бўлим пассивида жуда кўп бухгалтерия ҳисобининг счётлари кредит қолдиғи келтирилади. Корхона балансини ўрганишда асосий эътибор йил бошида ўтган даврда мулк ва маблағларнинг қанчалик ўзгарганлиги ҳамда активдаги ҳар бир банд пассивдаги манбаларни қанчалик таъминлаганлигига қаратилади.

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкнинг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш ҳўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса балансга қараб корхона мол–мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Одатда корхона маблағларига асосан воситалар ва оборотдан ташқари активлар. Материал (меъёрлаштирилган) айланма пул маблағлари киради. Уларни миқдори ҳиссадорлик, ҳамкорлик, кичик ва бошқа корхоналарнинг катта–кичиклигига, ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир. 2-жадвалда корхона мулкнинг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрганилади. Келтирилган маълумотлар баланснинг жами суммасига тенг бўлади.

2-Жадвал

Бухгалтерия баланси активининг таҳлили

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	сўмда	%	Йил бошига нисбат

1	2	3	4	5	6к4-2	7к5-3	8
1. Узоқ муддатли активлар	30998	24,8	37202	22,9	6204	-1,9	5,0
2. Оборот активлар	93577	75,1	125152	77,0	31575	1,9	25,3
Шу жумладан:	60606	48,6	70343	43,3	9737	-5,3	7,8
А) Захира ва харажатлар	900	0,7	2388	1,5	1488	0,8	1,2
Б) Пул маблағлари ва қийматли қарзлар	32071	25,7	52421	32,3	20350	6,6	16,3
В) Дебиторлар							
Баланс активининг ЖАМИ	124575	100	16254	100	37779	-	30,3

Жадвал маълумотларига кўра, корхона мулки йил бошига нисбатан 37 млн. 779 минг сўмга ёки 30,3% га кўпайган. Корхона фаолияти учун корхона бойлигининг кўпайганлиги ижобий ҳолдир. Мулкнинг кўпайиши оборот активлар ҳисобига бўлган, оборот активлар йил охирига 31 млн. 575 минг сўмга ўсган. Унинг жами мулкдаги салмоғи 1,9 % га кўпайган. Захира ва харажатлар йил бошига нисбатан 9 млн. 737 минг сўмга кўпайган. Йил бошига нисбатан 7,8 % га кўпдир. Жами мулк таркибига кўра Захира ва харажатлар йил бошига нисбатан 5,3 % камайган, узоқ муддатли активлар ҳам йил бошига нисбатан 1,9 % га камайган. Бу корхона фаолияти учун салбий ҳолатдир.

Молиявий таҳлилнинг муҳим ҳусусиятларидан бири корхона мулки, захиралар ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, яъни ҳом ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва деталлар, иккиламчи материаллар ва ўрнатилган асбоб–ускуналар, эҳтиёт қисмлар, парвариш ва боқувдаги чорва моллари, уруғ ва ем–хашак, арзон баҳоли, тез эскирувчи буюмлар ва бошқалар киради. Улар корхонанинг бир меъёрида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек захира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, Тайёр маҳсулот ва бошқалар ҳам киради. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим.

Бозор шароитида айланма маблағлар, захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми энг кам, соф фаолият кўрсатадиган шароитига етарли бўлиши лозим. Таҳлилда эса баланс маълумотлари ва материалларни ҳисобловчи сўтлардан фойдаланилади.

Балансинг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тўлдириш қуйидагилардан иборат:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.
2. Мажбуриятлар.

Бунда энг муҳим ўринни корхонанинг ўзига қарашли устав қўшилган, резерв, капиталлар, тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал корхона ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. У турли хўжалик муомалалари таъсирида ўзгариб туради. бунга фойданинг тақсимланиши ҳисобига тўлдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида ўринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг кўпайиши энг аввало Низом жамғармасини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёт жамғармалари яратилишга олиб келади. Амортизация ва бошқа фондларнинг ташкил бўлиши ҳам бозор шароитида мазмунан ўзгармоқда. 1991 йилдан амортизация ҳисоблашда тезлаштирган меъёрлар (актив турдаги машиналар, қурилмалар, транспорт ва бошқа воситалар бўйича) қўлланиши ва тўлиқ тиклаш қисми бўйича амортизация ҳисоблаш асосий воситаларнинг баланс қийматининг маҳсулотлар таннархига ўтказиб бўлгунча қадар бажаришлик каби янгиликлар жорий этилди.

Кредит ва бошқа маблағларга қисқа, ўрта, узоқ муддатга мўлжаллаб олинган кредитлар, ўз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблағлари киради. Шунингдек кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар ҳам шу ерда инобатга олинади. Бунда кредиторлик қарзлардан ташқари бюджетга, суғурта ва меҳнат ҳақи юзасидан корхонанинг қарзлари кўрсатади.

Бозор иқтисоди қонуниятлари ва талабидан келиб чиққан ҳолда корхонада қарз кам бўлгани маъқул. 3-жадвалда корхона маблағларининг манбалари кўрсатилган.

3-Жадвал

Бухгалтерия баланси пассивининг таҳлили

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	сўмда	%	Йил боши. нисбат
1	2	3	4	5	6қ4-2	7қ5-3	8

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари	89035	71,5	126582	78,0	37547	6,5	30,1
2. Мажбуриятлар Шундан:	35540	28,5	35772	22,0	232	-6,5	0,18
а) узоқ муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-	-	-	-	-
б) қисқа муддатли кредит ва қарзлар	4335	3,5	6460	4,0	2125	0,5	1,7
в) кредиторлик қарзлар	31205	25,0	29307	18,1	-1898	-6,9	-1,5
Пассивининг жами:	124575	100	162354	100	37779	-	30,3

Жадвал маълумотларига кўра, жами манбалар йил бошига нисбатан 37 млн. 779 минг сўмга ёки 30,3 % кўпайган. Ўзлик маблағларнинг манбалари ҳисобот йил бошига нисбатан 37 млн. 547 минг сўмга ёки 6,5 % га кўпайган. Мажбуриятлар ҳам йил бошига нисбатан 232 минг сўмга кўпайган. Жами манбаларга нисбатан мажбуриятлар бўйича режанинг бажарилиши 6,5% га камдир. Корхонада узоқ муддатли кредит ва қарзлар мавжуд эмас. қисқа муддатли кредит ва қарзлар жами йил бошига нисбатан 1,7% га ўсган. Кредиторлик қарзлар 1 млн.898 минг сўмга камайган. Жами йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 1,5 % га фаолияти учун ижобий ҳолат деб қараш лозим.

2.3. Фермер хўжалиги ликвидлиги ва тўлов қобилияти таҳлили.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг табиий омиллар билан бевосита боғлиқлиги тадбиркорлик таваккалчилиги даражасини ошириб хўжаликнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда молиявий таҳлилнинг аҳамиятини оширади. Молиявий-таҳлил хўжалик субъектининг бугунги кундаги молиявий ҳолатигина эмас, балки унинг барқарорлиги ва келгуси даврлардаги аҳволини ҳамда хўжалик дуч келиши мумкин бўлган молиявий-иқтисодий муаммоларни башоратлашни ҳам ўз ичига олади.

Кенг маънода хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини ташқи ва ички омиллар доимий ўзгаришлари шароитларида белгиланган мақсадларга эриша олиш қобилиятини, тор маънода эса хўжалик юритувчи субъектнинг нормал фаолият юритиши учун зарур бўлган молиявий-иқтисодий воситаларга эга эканлиги деб қараш мумкин.

Аграр тармоқнинг табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги, жумладан ҳосилсизлик, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатларга қарши курашиш зарурияти хўжаликларда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш хўжаликнинг молиявий муносабатлари орқали таъминланади. Мазмунига кўра фермер хўжалиги молияси – бу молиявий

ресурсларни ташкил этувчи мақсадли пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни акс эттиради.

Фермер хўжаликларининг молиявий ресурслари шаклланиши ва сарфланиши қуйидаги иқтисодий субъектлар билан вужудга келадиган молиявий муносабатларни акс эттиради:

- товар-моддий қийматликларни, маҳсулот ва иш хизматларни сотиш ва харид қилиш жараёнида давлат (давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар бўйича) ва бошқа корхоналар билан;

- марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан корхоналар билан банклар, бюджетдан ташқари жамғармалар ва бошқа ташкилотлар билан;

- бюджет тизимида солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштиришда давлат бюджети билан;

- иш ҳақидан турли ижтимоий ажратмалар қилишда фермер хўжалиги ва нафақа фонди, иш билан таъминлашга қўмаклашиш фонди, ихтиёрий тиббий суғурта фонди ва бошқа фондлар билан.

Фермер хўжаликлари ўз мазмун-моҳиятига кўра тадбиркорлик тузилмалари бўлганлиги учун уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганишга молиявий таҳлилнинг амалда мавжуд ва синовдан ўтган методикаси қўлланиши яхши натижалар бера олади. Илмий ва ўқув адабиётларида баён этилган молиявий-иқтисодий таҳлил методикаларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда чоп этилган молиявий таҳлил ҳақидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларида молиявий-иқтисодий аҳволни ўрганиш босқичларга ажратилмасада, лекин унинг энг муҳим йўналишлари ёритиб берилган. Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили қуйидагиларни ўрганиш орқали амалга оширилади:

- молиявий ҳолат;
- молиявий барқарорлик;
- тўловга қобиллик;
- баланс ликвидлиги;
- молиявий коэффициентлар;
- молиявий натижалар.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили учун ахборот манбаси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги бўйича маълумотнома.
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги

Қонунга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотлари;

- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ статистик ҳисоботлар маълумотлари.

Ривожланган бозор муносабатлари мавжуд бўлган давлатлар тажрибасидан шу нарса маълумки, иқтисодиётнинг ривожланиши доимо бир хил суръатларда ва бир маромда юз бермайди. Мамлакат иқтисодиёти учун вақти-вақти билан иқтисодий юксалиш ва иқтисодий пасайиш ўрин алмашиши объектив жараён ҳисобланади. Шунга монанд ҳолда хўжалик юритувчилар фаолиятининг ривожланиши ва тараққиётини таъминлаш чораларини белгилаб олишда макро ва микро даражаларда молиявий-иқтисодий диагностиканинг йўлга қўйилиши зарур бўлади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда корхоналар молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиш ва кузатиш билан расман ночор корхоналар билан ишлаш кўмитаси шуғулланади. Бунда корхоналар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили ва мониторинги ўтказишнинг асосий вазифаси банкротликни олдини олиш ва тўловга қобилликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги кўрсатилган мақсадга қуйидагиларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин:

- молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили;
- санация ўтказиш бўйича ишланмалар, тўловга ноқобиллик аломатлари бўлган корхоналарни реструктуризацияси ёки иқтисодий ночор корхоналарни тугатилиши билан боғлиқ таклифлар;

- республикадаги корхоналар бўйича маълумотлар базаси яратиш.

Иқтисодий аҳволи бўйича корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- барқарор;
- таваккалчилик гуруҳлари;
- ночор гуруҳлар;
- тўловга қобилиятсиз;
- потенциал банкротлар гуруҳи.

Мониторинг ва таҳлил ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ахборотлар йиғиш ва қайта ишлаш;

в) жамланган маълумотлар бўйича корхона молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;


в) таҳлил натижалари бўйича хулосалар бериш;

г) таклифлар.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аграр тармоқда етакчи ўринни эгаллаётган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва тараққиётини режалаштириш ва башоратлашга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, фермер хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланиши бир қатор иқтисодий, ташкилий, техник ҳамда молиявий муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш эса албатта пул ёки молиявий ресурслардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли молиявий маблағларнинг етишмаслиги ёки оқилона тарзда ишлатилмаслиги хўжаликдаги муаммоларни ҳал этилишини мураккаблаштиради.

- фермер хўжаликларининг йиллик рейтингини аниқлашга суянган ҳолда юқори рейтингга эга бўлган хўжаликларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

Фикримизча, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий таҳлили қўйидаги схема асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.



- хўжалик фаолиятини аниқ ва пухта бизнес режалар асосида олиб бориш.

Молиявий таҳлилнинг йўлга қўйилиши бу муаммолар ечимларини чуқурроқ асослаб беришга хизмат қилади.

3-боб. Мавзуни ўқитиш методикаси

3.1. Маруза машғулоты методикаси.

Мавзу бўйича маъруза машғулоты технологияси

МАВЗУ. Бухгалтерия баланси, корхонанинг ликвидлиги ва корхона (фирма) тўлов қобилияти таҳлили

1.1. Таълим бериш технологияси модели

Машигулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20 – 80 гача	
Машигулот шакли	Кириш-ахборот маъруза - кўргазмали	
Маъруза режаси	1. Бухгалтерия баланси ва унинг кўрсаткичлари. 2. Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичлари. 3. Корхонанинг тўлов қобилияти кўрсаткичлари. 4. Фермер хўжалиги бухгалтерия баланси таҳлили 5. Фермер хўжалиги ликвидлиги ва тўлов қобилияти таҳлили.	
Ўқув машигулотининг мақсади: мавзу курси бўйича умумий тушунча бериш. Бухгалтерия баланси, корхонанинг ликвидлиги ва корхона (фирма) тўлов қобилияти таҳлили билан таништириш.		
Педагогик вазифалар: • мавзунинг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуга тузилмавий мантикий чизма асосида тушунча бериш; Бухгалтерия баланси ва унинг кўрсаткичларини тушунтириш Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичларини ёритиш. Корхонанинг тўлов қобилияти кўрсаткичларини ўргатиш. Корхонанинг тўловга лаёқатлилиги таҳлили умумий	Ўқув фаолияти натижалари: • мавзунинг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган материални тузилмавий мантикий чизма асосида шарҳлаб беради. 1. Бухгалтерия баланси ва унинг кўрсаткичлари. 2. Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичлари. 3. Корхонанинг тўлов қобилияти кўрсаткичлари. 4. Фермер хўжалиги бухгалтерия баланси таҳлили	


асосларини кўрсатиб бериш	5. Фермер хўжалиги ликвидлиги ва тўлов қобилияти таҳлили.
Ўқитиш усуллари	Кўргазмали маъруза, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шакллари	Фронтал, жамоавий, жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, график органайзерлар.
Ўқитиш шароити	УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли Ёзма назорат: ёзма иш

1.1. Маърузани технологик картаси

Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга мавзунинг тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради (1-илова), саволлар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради. 1.2. Мавзунинг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтиб беради. 1.3. Талабаларнинг билимларини жонлаштириш учун саволлар беради (2-илова) ва ушбу саволларга жуфтликда жавоб бериш шартлигини таъкидлайди. “Жуфтликда ишлаш” қоидалари билан таништиради (3-илова), жуфтликларга бўлинишларини таклиф қилади, якка тартибда ўйлашни ва жуфтликда муҳокама қилиб жавоб беришни таклиф қилади.	Тинглашади Тинглашади Жуфтликка бўлинишади, ўйлашади, муҳокама қилишади ва саволларга жавоб беришади.
2-босқич.	2.1. Экранга жадвални чиқаради ва маъруза тинглаш жараёнида уни тушунтиради 2.2. Power point дастури ёрдамида	Тамоша қилишади, ёзишади.

Асосий (55 дақиқа)	слайдларни намоиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради . Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради; мавзунинг режасини ҳар бир банди бўйича хулосалар қилади; жалвалга ахборотларни киритиш лозимлигини эслатади.	Тинглашади, ёзишади. Саволларга жавоб беришади, жадвал-ни тўлдиришади.
3- босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади, иш натижаларини изчилликда изоҳлаб беради. 3.2. Ёзма иш ёзиш қоидаларини тушунтиради. Мустақил ишлаш учун вазифа беради	Саволлар берадилар. Мустақил ишлаш учун мавзу бўйича муаммоларни ёзиб оладилар.

Мавзунинг тузилмавий мантиқий чизмаси





Жонлаштириш учун саволлар:

1. Баланс нима?
2. Ликвидлик кўрсаткичлари зарур?
3. Тўлов қобилияти қандай намоён бўлмоқда?
4. Тўлов қобилияти таҳлили оқилона ташкил этилишининг аҳамияти нимада?

«ЎЙЛАНГ-ЖУФТЛИКДА ИШЛАНГ-ФИКР АЛМАШИНГ»

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қилади.

3.2. Амалий машғулот методикаси.

Касб-ҳунар коллежида ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этилиши ва таркибини ўзига хослиги, энг аввало моддий-техник базанинг мавжудлигига боғлиқ бўлади ҳамда меҳнатни ўқувчиларнинг бирламчи эҳтиёжига айлантиришда, уларнинг техник тафаккурини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Касб-ҳунар таълими жараёнининг ижодий ёки қисман ижодий тавсифга эга бўлиши натижасида, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни жадаллашади. Ишлаб чиқариш таълими касб-ҳунар таълимининг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини бўлганлиги учун, унга алоҳида тўхталамиз.

« Бухгалтерия баланси, корхонанинг ликвидлиги ва корхона (фирма) тўлов қобилияти таҳлили» мавзуси корхона фаолиятининг муҳим жабҳаларини қамраб олганлиги сабабли бу мавзунини ўқитиш бирмунча мураккаб жараёндир.

« Бухгалтерия баланси, корхонанинг ликвидлиги ва корхона (фирма) тўлов қобилияти таҳлили» мавзусини КХК ўқитишни қуйидагича ташкил этиш мумкин: Вақт тақсимооти:

- 1- босқич тайёрлов- 5 мин.
- 2- босқич даъват (чақирув) - 15 мин.
- 3- босқич англаш - 37 мин.
- 4- босқич мулоҳаза (фикрлаш) -20 мин.
- 5- босқич уйга вазифа - 3 мин.

Берилган мавзунини олиб боришни қуйидаги режа асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ

Ўқув материаллари:	Дарснинг аниқлаштирилган мақсади:
• Илгор педагогик технологиялар • Дарсликлар. • Тарқатма материаллар. • Ёпишқоқ лента • Дафтар,ручка,қоғозлар. • Плакатлар.	Мавзунини ўзлаштиргандан сўнг талабалар: Бухгалтерия баланси ва унинг кўрсаткичлари тушунади Корхонанинг ликвидлик кўрсаткичлари ўрганади Корхонанинг тўлов қобилияти кўрсаткичларини билиб олади. Фермер хўжалиги бухгалтерия баланси таҳлилинини кўрсатиб беради Фермер хўжалиги ликвидлиги ва тўлов қобилияти таҳлили масалаларини аниқлаб олади

Таянч-сўз ва иборалар: Баланс, ликвидлик, тўлов қобилияти, молиявий таҳлил

Шунинг билан бирга мавзунини янада батафсил ёритиб бериш учун янги педагогик техноглогияларнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мумкин:

Интерфаол стратегиялар:

- Кичик гуруҳларда ишлаш
- «тўп ўйини»
- «Инсерт» стратегияси ,

- биргаликда ишлаш фикрлашга ундовчи қизиқарли саволлар
- «Кластер»
- «Синквейн»
- Тест
- ЭССЕ

Ўқитувчи дарсни олиб жараёнини ташкил этишни қўйида келтирилган тартибда амалга ошириши мумкин:

Дарснинг бориши

Машиг у лот босқич лари	Педагог	Талаба	Назо рат
Тай ёрлов Бос қич лари	• Тингловчиларни хонага таклиф қилади. • Ташкилий қисмдан сўнг талабаларни «тўп ўйинига» таклиф қилади. (ўйин методикаси тушунтирилади). • Ўйин тугагандан сўнг талабаларга рақамлар ёзилган карточкалар таклиф этилади, уларнинг ўз рақамларига мос ҳолда 1,2,3,4 рақамлар ёзилган стол атрофига жойлашиб кичик гуруҳларга уюштилади. • Дарснинг мақсади мавзуси кутилаётган натижани эълон қилади, зарур бўлса унга тузатишлар киритиб, тўласигача яқдиллик билан қабул қилинишини таъминлайди.	• Талабалар педагог буйруқларни тез ва чаққонлик билан бажарадилар. • Талабалар гуруҳларга бўлингандан сўнг стол атрофида ўз-ўз жойларини эгалашиб, дарсга тайёр эканликларини билдиради. • Талабалар ўрганилаётгант мавзунини дафтарларига ёзишади, ўзлари учун дарсдаги ўз ишлари мақсади ва натижаларини белгилашади. • Ўз мулохазаларини билдиради.	

--	--	--	--

Хулоса

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги қонуннинг 1-моддасида «Бухгалтерия хисоби ва ҳисоботни тузиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади» дейилган.

Қонуннинг 2-моддасига биноан бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тулик, ҳаққоний, ўз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашдан иборат. Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири бўлиб молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси амалдаги тартиб қоидалар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бош дафтар, тегишли ҳисоб-китоб регистрлари ҳамда йиллик инвентаризация маълумотлари асосида тулдирилади.

Баланс тузишга қадар йил охирига аналитик сўётларнинг оборотлари ва қолдиқлари билан бош дафтар сўётларининг оборотлари ва қолдиқлари албатта таққосланиб текширилиши зарур.

Балансинг йил бошига ва йил охирига маълумотларининг бир бирига мос бўлиши учун, тақдиқланган баланс моддалари йил охирига бўлган баланс моддалари ва гуруҳланган бўлимларига мос қилиши шарт.

Балансни ҳар бир моддасида ақс этиши лозим бўлган актив ва қассивлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 40-сон бўйруғи билан тақдиқланган, молиявий ҳисобот шаклларини тулдириш бўйича қоидаларда батафсил баён этилган.

Қорхона молиявий ресурсларини тугри ва мохирона бошқариш учун биринчи навбатда қорхонанинг молияви аҳволи ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиғи аниқланиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Қорхонанинг молиявий аҳволи молиявий ресурсларнинг турлар бўйича мавжудлиғини, рақобатбардошлиқ даражаси, давлат ва бошқа ҳужалиқ субоектлари олдида мажбуриятларни бошқариш қобилятини ифодаловчи қурсатқичлар мажмуидир.

Қорхона молиявий аҳволини бақолаш малқий ҳолат, ликвидлиқ молиявий барқарорлиқ, молиявий натажалар; ишга оид фоллиқни ифодаловчи қурсатқичлар бўйича бақоланади.

Қорхона молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг ақосий вазифаси қуйидагиларни бақолаш ҳисобланади:

- бухгалтерия баланси ва мулқий ҳолат қурсатқичлари тузилмаси;
- ақосий воситалар аҳволи таоминминланганлиқ ва фойдаланиш самарадорлиғи;
- айланма маблаглар аҳволи, таоминланганлиқ ва фойдаланиш самарадорлиғи;
- молиявий барқарорлиқ;
- ликвидлиқ ва тулов қобиляти;
- ҳужалиқ фаолятининг молиявий натажалари;
- ишга доир фаоллиқ.

Мавзу ва саволлар умумий йўналиши сақланган ҳолда катта гуруҳ таркибидаги кичик гуруҳларга тақдим этилади.

1-босқич. Ўқитувчи умумий мавзу бўйича бир неча, балки 4-6 та савол тайёрлаши мумкин.

1. Баланс қандай тузилади?
2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг аҳамияти.
3. Баланс моддалари деганда нимани тушунасиз?
4. Баланс таҳлили нима учун зарур?
5. Баланс таҳлили қандай олиб борилади?

2-босқич. Катта гуруҳ кичик гуруҳчаларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳчага ақлий ҳужум ўтказиш учун алоҳида савол берилади.

3-босқич. Ҳар бир гуруҳча ақлий ҳужум маҳсулотини ёзиб олиш учун биттадан киши ажратади, кейинчалик. жараён тугаши билан уни гуруҳнинг барча аъзоларига тақдим этади.

4-босқич. Ҳаёлар ҳар бир гуруҳча томонидан катта саҳифага маркердан фойдаланиб ёзиб олинади.

5-босқич. Ақлий ҳужумнинг бу методи вақтнинг қисқача даврида бир саволнинг бир неча жиҳати ишлаб чиқилиши зарур бўлган жойда, айниқса, фойдалидир.

6-босқич. Ўқитувчи раҳбар-ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади ва бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ақлий ҳужум амалга оширилаётган пайтда ўтиб туради.

7-босқич. Ўқитувчи талабалар томонидан амалга оширилган фаолиятга якун ясайди, таҳлил қилади ва баҳолайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1993 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т. Адолат. 2008 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат. 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори: “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” Низом. 1999 йил 5 феврал.
10. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
12. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

15. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
16. Андерсон Г., Нидлз Б., Кодвелл Д. Принципи бухгалтерского учета. Москва. “Финанс и статистика” 1993.
17. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит: Пер. с англ. М.: Финанс и статистика, 1995.
18. Воҳидов С., Воҳидов Т. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби. Т.:ТДИУ, 2000.
19. Гадоев Э.Ф., Югай Л. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи., 1996.
20. Жураев Н. Яроқсиз маҳсулотлар ва йўқотишлар ҳисоби ва назорати. Иқтисод ва ҳисобот. №10-12.1995.
21. Жураев Н. Учет и контроль издержек процесса реализации. Сельское хозяйство Узбекистана. №2. 1996.
22. Гуломов Ф.Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ нашриёти. 2004 й..
23. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: Ўзбекистон, 1993,
24. Ower L.I., Bown I.L. Waldoh's Cost Accounting Maghonid Evans. London, 1970
25. Moriarty Sh., Allen C.P. Cost Accounting - Cambridge etc. Harper and Row. 1984.
26. <http://www.mf.uz/>
27. <http://www.gov.uz/uzbekistan/transportation/>
28. http://www.gov_stat.uz
29. <http://www.referat.ru/economy/management/>